

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 11

«1» июль 2022 йил

Пешку тумани

“JONDORLIK GULIRAYXON” ОК кейинги уринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг устав асосида иш юритувчи рахбари К.Очилов номидан, бир томондан ва 8-сон Оилавий болалар уйи кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг низом асосида иш юритувчи рахбари Ф.Сатторов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хақида туздилар

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. 1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» декабрь 2022 йилгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	болалар уйи учун гигиена воситалари				7 286 000
	ЖАМИ	XXX	XXX	XXX	7 286 000

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **7 286 000** (Етти миллион икки юз саксон олти минг) сўмни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори **2 185 800** сумни, яъни, белги-ланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг июн ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса **5 100 200** сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил «31» декабр гача амалга оширилади.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган
- 2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорда неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорда жарима тўлайди:

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорда, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома Ҳазначилиқдан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ҳамда 2022 йил «31» декабрьгача амалда бўлад.

6.2. Мазкур шартнома иккинчи томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади, бир хил юридик кучга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддати дан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатлари дан назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида.

7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 22-апрел ЎРҚ-684-сон Давлат харидлар тугрисидаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда 3016-рақам билан рўйхатга олинган “Харид қилиш тартиби-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тугрисида”ги Низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПК-4812-сон “Махаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар” тугрисидаги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПК-3953-сонли қарори товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини жорий этиш. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Ҳазна ижроси қоидалари”га асосан ҳамда шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначилиқда

рўйхатга олинishi шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ.

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

"СОТУВЧИ"

"JONDORLIK GULIRAYXON" ОК

(ижрочининг номи)

Манзили: Жондор туман

тел\факс

х/р 20208000500519320001

Банк номи :Жондор Микрокредитбанк

МФО : 00108

СТИРИ: 303249059

ОКОНХ:

Рахбар:



К. Ochilov.

(ИМЗО)



"СОТИБ ОЛУВЧИ"

Пешкў туман 8-сон оилавий меҳрибонлик уйи

Манзили:Пешкў туман Талисобун МФЙ

Тел./факс: -

ш/хв: 100022860062407095100075002

бюджетдан маблағ олувчи СТИРИ: 309122008

ОКОНХ :

Ғазначилик бўлинмаси номи: Пешкў тумани

бўйича Ғазначилик бўлинмаси

Ғазна х/в:23402000300100001010.

Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банкнинг

МФО: 00014.

Ғазначилик бўлинмаси СТИРИ: 201122919

Рахбар: Ф. Саггоров

(Ф.И.Ш)

М.У.

(ИМЗО)



Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

